

ШАРТНОМА № 1

Охангрон шахар.

«27» Январ, 2022 й.

Бундан бүён "БҮЮРТМАЧИ" деб аталувчи "Охангрон шахар Мактабгача таълим бўлими" номидан низом асосида фаолият олиб борувчи А.И.Хамраев бир томондан ва бундан бүён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи "Охангрон Бизнес ББ" МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Б.Мўминов бошка томондан, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул килади ва товарлар учун пул тўлайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофик етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўл. бир.	Микдори	Нархи	Умумий суммаси
1	Гречка	кг	175,0	14 000	2 450 000,00
2	Дрожа 100гр	кг	10,5	47 000	493 500,00
3	Какао 100гр	кг	36,0	43 000	1 548 000,00
4	карам	кг	740,0	4 500	3 330 000,00
5	кизил ловия	кг	135,0	14 000	1 890 000,00
6	Крупа гороховая	кг	130,0	7 500	975 000,00
7	Крупа манная	кг	145,0	10 000	1 450 000,00
8	Крупа овсяная	кг	110,0	7 500	825 000,00
9	Крупа перловая	кг	120,0	6 500	780 000,00
10	Крупа пшеничная	кг	85,0	7 000	595 000,00
11	Крупа пшено	кг	70,0	11 000	770 000,00
12	Крупа ячневая	кг	20,0	7 500	150 000,00
13	Лавлаги	кг	555,0	6 000	3 330 000,00
14	Макарон	кг	230,0	8 000	1 840 000,00
15	Масло растительное 1л	литр	210,0	19 000	3 990 000,00
16	Мош	кг	110,0	13 200	1 452 000,00
17	Ошковок	кг	470,0	4 200	1 974 000,00
18	Павидло	кг	38,0	13 000	494 000,00
19	Пишлок қаттиқ	кг	216,0	40 000	8 640 000,00
20	Томатная паста	литр	151,0	18 000	2 718 000,00
21	Туз	кг	128,0	1 600	204 800,00
22	Турп	кг	470,0	3 700	1 739 000,00
23	Тухум	дона	10 100,0	1 200	12 120 000,00
24	Ун 1-нав	кг	625,0	4 100	2 562 500,00
25	Чай (черный)	кг	4,5	42 000	189 000,00
26	Шакар	кг	660,0	8 600	5 676 000,00
27	шолгом	кг	220,0	4200	924 000,00
28					
Жами					63 109 800

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 63 109 800 сўм (Олтмиш уч миллион бир юз тўккиз минг саккиз юз) сўмни ташкил килади

Шундан бюджет маблаглари хисобидан 63 109 800 сўм (Олтмиш уч миллион бир юз тўккиз минг саккиз юз)

Бюджетдан ташкири маблаглар хисобидан _____ сўм (_____).

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 (ўн) календар куни ичига конунчиликка мувофик, шартнома суммасидан 30% миклорида олдинидан тўлов тўлаш мажбуриятини олади, колган 70% суммани товарни олгандан сўнг 3(уч) календар куни ичига қабул килиш-топшириш далолатномаси ва хисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблаглари Етказиб берувчининг тегишли хисобварагига келиб тушган вактдан бошлаб 10 (ўн) календар куни ичига товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги Давлат стандартига мувофик товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни кабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўликлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртмада) кўзда тутилган бошка талабларга мувофилгини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошка холлар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан оддин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича кабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофик амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуклари:

Етказиб берувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка месъерий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошка холлар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртмага кўра мазкур шартномага мувофик, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш;

- тегишли сифатдаги шунга ўхаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган заарларни коплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофик ўзининг жойлаштирилган буюртмаси бўйича етказиб берилган товарларни кабул қилиш;

- товарларнинг кийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқукларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний хисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига кўзда тутилган тартибида ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирилган буюртмага мувофик, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда кабул килмаслик натижасида етказилган заарларни коплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига мазкур шартномага мувофик белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда товарларни етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараённида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва месъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чиқишига Йўл кўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 (үн) кун муддат ичдида барча аникланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома шартлари ва талаблари белгиланган тартибида хамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган хисобланади.

3.1. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШУВ

3.1.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари хар кандай ноконуний устунликларга ёки бошка ноконуний максадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблаглари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

3.1.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва халкаро хужжатларнинг талабларини бузадиган харакатларни амалга оширмайдилар. Жиноий Йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга карши курашишга оид халкаро хужжатлар талабларини бузилиши каби харакатларни амалга оширмайди.

3.1.3. Ушбу Шартнома Томонларининг хар бирি бошка Томоннинг ходимларини хар кандай тарзда рагбатлантиришдан, шу жумладан пул маблаглари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошка усууллар билан ходимнинг рагбатлантирувчи томон фойдасига хар кандай харакатларни содир этишдан бош тортали.

Ходимнинг уни рагбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган харакатлари деганда куйидагилар тушунилади:
бошка контрагентлар билан таккослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
хар кандай кафолатлар билан таъминлаш;

амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;

Ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоффлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошка харакатлар.

3.1.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга карши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон килса, иккинчи Томонни ёзма равишида хабардор килишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги

тасдиклангунга кадар тұхтатиб туришга ҳақы. Ушбу тасдик ёзма хабарнома юборилған күндан бошлаб 5 (беш) иш куни ичіда юборилиши керак.

3.1.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шарттар вә қоидаларнинг бузилғанлығы ёки бузилиши мүмкіндігін ишончли тарзда тасдиклайдыган ёки асослаши мүмкін бўлған фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчиллик ва жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга карши кураш бўйича ҳалкаро хужжатлар талабларини бузалинг харакатлар асослантирилиши лозим.

3.1.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мүмкін бўлған контрагентлар билан ишибилармонлик муносабатлари ҳафнин минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш максадида бир-бира га ўзаро ёрдам бериш учун окилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироқи ҳафнин олдини олиш максадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

3.1.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мүмкін бўлған ноконуний ҳатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга карши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор килинишигача бўлған нохуш оқибатларга олиб келиши мүмкінлигини тан олади.

3.1.8. Томонлар маҳфийлик тамоилларига риоя килган холда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий кийинчиликларни бартараф этиши ва юзага келиши мүмкін бўлған низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўллашни кафолатлайдилар.

3.1.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга карши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ маҳфийликни, шунингдек, талаблар бузилғанлығи фактлари тўгрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган хужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига мувофиқлиги учун;
- савдолар голиби бўлған етказиб берувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар голиби бўлған етказиб берувчи билан шартнома тузишни рад этиши муддатига риоя этилиши (ажратилған бюджет маблаглари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);
- томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник хужжатларнинг асл нусхалари сакланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни таңлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб оловчи етказиб берувчига таңлаб олинимаган (ўз муддатида олинимаган) товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз микдорида жарима тўлайди.

Товарлар таңлаб олинимаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташкари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган холда, таңлаб олинимаган (ўз муддатида олинимаган) товарлар киймати тўланишини талаб килишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка шаклларида товарлар ҳакини тўлашдан бош тортганилик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивини тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилған ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

4.4. Етказиб берувчи:

- савдоларда катишиши учун тақдим этилган хужжатларнинг ишончлилиги;
- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртмалари шартларининг буюртмачи буюртмаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошка бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб оловчи (буюртмачи) товарларни кабул килиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳаки тўлаб кўйилған бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришини талаб килишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептесиз тартибида ундириб олиниади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилған, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб оловчи (буюртмачига) кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисменинг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилған зарарни коплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси кўйилмаган ёки лозим даражада маркировка килинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб оловчи (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Товарлар кабул килингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлған холларда сотиб оловчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташкари, ўз кучи билан, лекин

етказиб берувчи хисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб бериши талаб килишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчилклар ва баҳслар келиб чиккан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилк ва баҳсларни хал этиш учун бевосита иктисодиёт судига мурожаат килишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодиёт судига мурожаат килган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодиёт судила кўриб чикилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиг бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан кисман ёки тўлик озод бўладилар.

6.2. Енгиг бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боялик бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, кургокчилик ва бошкалар) ёки ижтимоий-иктисолий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошкалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга кабул килинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавкулода, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

6.3. Шартнома томонларидан кайси бири учун мажбуриятларни енгиг бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дархол иккинчи томонга бу хакда 10 кун ичida ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро килиш мuddати ушбу енгиг бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш мuddатига кадар узайтирилади. Агар енгиг бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортикрок давом килса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор килиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабригача амал килади.

8.2. Шартноманинг амал килиши бир томоннинг ташаббусига кўра 1 (бир) ой давомида бошка томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тутаганини муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган холларда шартнома бажарилган хисобланади.

8.3. Шартноманинг амал килиш мuddатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод килмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи

"Охангарон Бизнес ББ" МЧЖ

Адрес: Тошкент вилояти Охангарон шаҳри Кўргон кўчаси 8-
уй

Тел./факс : 93-188-07-70

ИНН: 308 906 581

Р/с: 2020 8000 6054 4939 8001

Банк : Давр банк Мирзо Улуғбек филиали

МФО: 01072

ОКЭД:

Рахбар _____
(имзо)

Б.Мўминов
(Ф.И.Ш.)



М.ў.

Буюртмачи

Охангарон шаҳар Мактабгача таълимни бўлими

Манзил: Охангарон шаҳар З-кичик/нохия

“Ватан” мфй

Тел./факс: 645-48-80

Фазна х/в: 23402000300100001010 МФО: 00014

Фазна. СТИР (ИНН): 201122919

Газна бўлинимаси: Охангарон шаҳар

Бюдж. ташкилоти СТИР (ИНН): 207267281

ОКЭД: 84113

ш/х: 100022860274157094100251013

ш/х:

Рахбар _____
(имзо)

А.И.Хамраев
(Ф.И.Ш.)

М.ў.



2022 yil 27 yanvar

Ohangaron shahar

HUQUQIY XULOSA

Ohangaron shahar Maktabgacha ta'lim bo'limi va "Ohangaron Biznes BB" MCHJ o'rtaida tuzilishi belgilangan shartnoma loyixasi yuborilgan.

Ohangaron shahar Maktabgacha ta'lim bo'limi va "Ohangaron Biznes BB" MCHJ o'rtaida oziq-ovqat mahsulotlari sotib olish uchun qiymati 63,109,800 (oltmis uch million bir yuz to'qqiz ming sakkiz yuz) so'mlik shartnoma tuzilishi belgilangan.

Ushbu shartnoma O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 324-339, 353-357-moddalari hamda "Ho'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni va boshqa qonun xujjatlari asosida huquqiy ekspertizadan o'tkazib;

XULOSA QILAMAN:

Ushbu shartnoma loyihasining amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob berishi va qonunga mos holda tuzilganligini;

Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan mulkiy javobgarliklari va o'zaro nizolarni hal qilish tartibi, O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi hamda "Ho'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonunga ko'ra belgilanganligini aniqladim.

Yuqoridagilarga asoslangan xolda shartnoma loyixasi qonun xujjatlari talablari asosida tuzilgan deb xisoblayman.

Ohangaron shahar yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti



O'smonov.B